



ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИДА ИШБИЛАРМОН ТАДБИРКОР АЁЛЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ВА УНИНГ АҲАМИЯТИ

Хулойқулов Азамат Вешимович

ТАТУ ҚФ “Ўзбек тили ва адабиёти” кафедраси к. ўқ. ф.ф.н.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.8069246>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 16-June 2023 yil

Ma'qullandi: 18-June 2023 yil

Nashr qilindi: 22-June 2023 yil

KEY WORDS

Иқтисодиёт, бозор
иқтисодиёти, тадбиркор
аёл, хунарманд, бизнес фонд,
имтиёзли кредит,
ишбилармон.

ABSTRACT

Мазкур мақолада мустақиллик йилларида Ўзбекистонда тадбиқ этилаётган ислохотларда аёллар улушининг кенгаётганлиги, уларнинг жамият ҳаётининг турли қатламларида фаол иштирок этаётганлиги Қашқадарё вилоятида ишбилармон тадбиркор аёллар фаолиятининг ривожланиши ва унинг аҳамияти мисоллар таҳлил қилинган.

Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларнинг самарадорлигини таъминлашда аёллар ролининг ортиши, уларнинг жамият ҳаётининг барча жабҳаларида фаол иштирок этиш кўлами кенгайиб борди.

Иқтисодиётни таркибий қайта қуриш давлат секторида аёлларни иш билан бандлигини пасайишига, ўзини ўзи ва касаначилик билан шуғулланувчи аёллар сонининг кўпайишига, уй хўжалигида аёллар меҳнатининг кўпайишига ва аёллар ишсизлигининг кўпайишига олиб келди - бу ва бошқа иқтисодий ва ижтимоий омиллар аёлларнинг иқтисодиётга тўлиқ киришига тўсқинлик қилди. Мустақилликнинг дастлабки йилларида Ўзбекистонда бозор иқтисодиёти шароитида аёлларни ишлаб чиқариш соҳаларида жалб этиш борасида республика миқёсида бўлганидек, Қашқадарё вилоятида ҳам хотин-қизларнинг тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, ишбилармон аёллар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, хотин-қизлар ўртасида мулкдорлар синфини шакллантиришга долзарб масала сифатида қаралди.

Асосий қисм. 1991 йил 4 январда “Тадбиркор аёл” ассоциацияси ташкил топиб, унинг **14** та вилоят, **68** та шаҳар ва туманларда бўлимлари тузилди. Уларда жами бўлиб **200** нафарга яқин мутахассислар фаолият юритди¹.

Масалан, тадбиркорларни хорижий жамғармалар орқали қўллаб-қувватлаш мақсадида БМТ нинг “Аёл ва тараққиёт” дастури асосида Чироқчи туманидаги “Бешчашма” жамоа ширкат хўжалиги тадбиркор аёлларига 160 минг АҚШ доллори ҳисобида вилоят хотин-қизлар ўқув марказларида семинар ва тадбирлар уюштириш учун ажратилди. Бунга бевосита БМТ нинг Ўзбекистонда ривожлантириш бўйича

¹ “Тадбиркор аёл” уюшмасининг расмий сайти <https://www.adju.uz/uz/>.

техник маслаҳатчиси Абегар Вильмарнинг ҳиссаси катта бўлди. У 1997 йилда Ўзбекистонга келиб Қашқадарё вилоятида “Ўзбекистондаги аёллар мавқеини кўтариш” лойиҳасини биринчи Чироқчи туманида 2 та аёллар тренинг марказини очишдан бошлади. Тренинг маркази Қашқадарё ва Навоий вилоятларида ташкил этилди. А.Вильмар Қашқадарёда аёлларнинг иқтисодий фаоллигини оширишда иккинчи лойиҳани амалга оширди. Яъни “Қашқадарё вилоятининг иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш доирасида нодавлат ва нотижорат ташкилотларини ривожлантириш”² лойиҳаси. Натижада, шу дастур асосида тадбиркорликни ривожлантириш истагидаги тадбиркор аёллар учун 300 минг АҚШ доллари ҳисобида микро кредит лойиҳалаштирилди³.

Республика миқёсида тадбиркор, ишбилармон аёллар сафининг ортишида турли хил уюшма, марказ, нодавлат ва нотижорат ташкилотларнинг ўрни катта бўлди. Ўзбекистонда “Тадбиркор аёл”, “Хунарманд”, “Бунёдкор аёл”, “Аёл ва замон”, “Бизнес фонд”, “Қалб нури”, “Меҳримиз сизга”, “Меҳржон” каби аёллар марказ ва уюшмалари фаолият кўрсатди⁴.

Ўзбекистонда хунармандларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, қулай иш шароитларини яратиш мақсадида кўплаб чора-тадбирлар амалга оширилди⁵. Бундай самарали ишлар натижасида мамлакатда тадбиркорлик субъектларининг кўпайиши, турли маҳсулотларни ишлаб чиқаришга бўлган талабнинг йилдан-йилга ошиши тадбиркорларнинг хунармандчилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришга бўлган рағбатини кучайтирди. Тадбиркорлик соҳасида хунармандчилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда ва турли йўналишларини ривожлантиришда янги анъаналар билан бойитиш мақсадида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 31 мартдаги ПФ-1741-сонли Фармони⁶ асосида 1997 йил 4 июнда “Хунарманд” уюшмаси ташкил этилди. Республика бўйича уюшманинг 13 та бошқарма, 153 та ҳудудий бўлими фаолият кўрсатди⁷.

Бугунги кунда хотин-қизлар тадбиркорликда расмий рўйхатдан ўтгач эътироф этилса-да, аслида уларнинг сони юз минглаб, чунки ўзбек хонадонларига кирганда қўлда тўқилган гиламлар, қўлда тайёрланган уй жиҳозларини кўриш мумкин. Айниқса Қашқадарё ҳудудида ишсиз деб эътироф этилган аксарият аёллар ҳам нимадир яратади. Масалан, гилам тўқийди, кўрпа-тўшак, каштачилик, тандир ясаш, сават тўқиш, сут-қатиғни қайта ишлаб рўзғори учун моддий бойлик яратади.

Имкониятлар самараси сифатида, аёллар томонидан ташкил этилган корхоналар 1997 йилга келиб Қашқадарё вилоятида 53 тани ташкил этди. Шунингдек, хотин-

² ҚВХА, 829-фонд, 15-рўйхат, 89-иш, 27-варақ.

³ ҚВХА, 829-фонд, 15-рўйхат, 56-иш, 5-варақ.

⁴ Сурхондарё вилоят ҳокимлиги жорий архив, 2004 йилги ҳисобот папкасидан.

⁵ Қашқадарё вилоят “Тадбиркор аёл” уюшмасининг 2014 йил учун тайёрланган ҳисоботи папкасидан.

⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 31 мартдаги “Халқ бадий хунармандчиликлари ва амалий санъатни янада ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-1741 сонли Фармони // <https://lex.uz/docs/168968>

⁷ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 4 июлдаги “Хунарманд” халқ хунармандлари уюшмасини ташкил этиш ва унинг фаолияти масалалари тўғрисида”ги 282-сонли Қарори // <https://lex.uz/docs/540056>

қизлар томонидан хорижий инвестициялар асосида фаолияти йўлга қўйилган корхоналар сони Қашқадарё вилоятида 37 тани ташкил этди⁸.

Иқтисодий соҳада хотин-қизларнинг фаол иштирокини таъминлаш мақсадида воҳаларда муҳим вазифаларга эътибор қаратилди. Хотин-қизлар томонидан кичик ва ўрта, қўшма корхоналар ташкил этиш ва уларга кўмаклашиш, иккинчидан, ҳудудларда тадбиркор ва ишбилармон аёллар сафини ошириш, учинчидан, хотин-қизлар учун имтиёзли кредитлар бериш ҳамда уларнинг миқдорини кўпайтириш, тўртинчидан, ишбилармон аёлларни рағбатлантириш, уларни хусусийлаштириш жараёнидаги фаол иштирокини таъминлаш каби муҳим вазифалар шулар жумласидандир⁹.

Аёлларни давлат томонидан яратилган имкониятлар, шароитларгина тадбиркорга айлантirmайди. Уларнинг сафини кўпайтириш учун, авваламбор ҳуқуқий ва иқтисодий билимларга эга бўлиш муҳим омиллардан бири бўлди. Тадбиркор аёллар орасида 38 марта кредит олган тадбиркор аёл шундай деган: “Асосий ютуғим – кредит олиш билан боғлиқ қонунчиликни яхши билганим, ҳукумат томонидан банк соҳасига оид қабул қилинган ҳужжатларни синчиклаб ўрганиб чиққаним”.

Тадбиркорликда фирмаларга эгалик қилаётган хотин-қизлар улуши ўсиб боргани кузатилди¹⁰. Буни Қашқадарё мисолида таҳлил қилганда қуйидагича кўринди. Масалан, Қашқадарё вилоятида 2018 йил фирмаларга раҳбарлик қилаётган хотин-қизлар 19,3%, 2019 йил 20,9%, яъни 1,6% ўсганини, 2020 йил 22,7% ни, 2021 йил 33,7% ни ташкил этган бўлса, унда 11, 0% ошганини кўрсатди. Бундан кўриниб турибдики, Қашқадарё вилоятида фирмаларда тадбиркорликни юритаётган аёллар улуши йилдан-йилга ўсган, 2020– 2021 йилларда Қашқадарёга нисбатан уларнинг сони ортди.

Ўзбекистонда иқтисодий соҳада олиб борилаётган ислохотларда мамлакатда мавжуд долзарб муаммолар босқичма-босқич бартараф этилди. Ислохотлар самараси ўлароқ, хотин-қизлар бандлигига алоҳида эътибор берилди. Ишсизлик даражасини қисқартириш мақсадида қабул қилинган бандликка кўмаклашувчи Давлат дастурлари бажарилиши ва иш ўринлари яратилиши бўйича қуйидагиларга эътибор қаратилди:

– қисқартирилган ходимлар билан меҳнат шартномасини бекор қилмасдан малакасини ўзгартириш асосида ишсизликнинг олдини олиш каби муҳим бандлар киритилди¹¹.

Хотин-қизларни иш билан банд этишда ҳудудий дастурларнинг бажарилишини таъминлаш мақсадида қуйидаги вазифалар қўйилди: қишлоқ хотин-қизларини ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни таъминлаш, аёллар бандлиги масаласини ҳал этиш ва меҳнат шароитларини яхшилаш ҳамда уларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш; қишлоқ жойларининг енгил саноат корхоналарида пудратчилар асосида касаначиликни ривожлантириш ва имтиёзли кредитлар ажратиш; оилавий ҳунарманд бўлган оилалар иштирокида касб-ҳунар ярмаркаси ташкил этиш; чекка ҳудудларда, айниқса чегара ҳудудлардаги ишсиз аёлларни рўйхатга олиш, таҳлил қилиш, уларни иш билан таъминлашга кўмаклашиш кабилар

⁸ ЎзМА, М-37-фонд, 1-рўйхат, 2559-иш, 133 варақ.

⁹ Қашқадарё вилоят ҳокимлигининг 2004 йилги ҳисобот папкасидан.

¹⁰ Ўзбекистон давлат статистика кўмитаси. Гендер статистикаси. <https://gender.stat.uz/>

¹¹ ҚВХА, 829-фонд, 27-рўйхат, 104-иш, 40-варақ.

шулар жумласидандир. Бу вазифаларни амалга ошириш ишлари бевосита тадбиркор аёллар билан ҳамкорликда олиб борилади.

2010 йилда 37564 та, 2011 йилда 38569 та, 2012 йилда 41183 та, 2013 йилда 39541 та, 2014 йилда 38924 та янги иш ўринлари яратилди¹². Бу сонлар хотин-қизларнинг иш билан банд бўлиши йилдан-йилга ўсганини кўрсатади.

Хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорликка, хунармандчиликка жалб этиш мақсадида 2019 йил давомида 14138 нафар ишсиз хотин-қизларнинг бандлиги таъминланди. Тижорат банклари томонидан жами 2192 нафар тадбиркор аёлларга 141,881 млрд сўм кредит маблағлари ажратилди. Хотин-қизлар ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларидан хотин-қизларга имтиёзли кредит бериш тизими яратилиб, 2019 йил учун Қашқадарёда 11,25 млрд сўм кредит йўналтирилди. Шунингдек, Устоз-шогирд анъаналари асосида 860 та хунармандчилик ва 623 та касаначилик асосида иш ўринлари яратилди¹³.

Ўзбекистонда тадбиркорликни турли турларини ривожлантириш, шунингдек, фаол тадбиркорларни инновацион ғоялар билан қўллаб-қувватлаш мақсадида 2011–2018 йиллар Давлат дастурида муҳим вазифалар белгилаб қўйилди¹⁴. Бу тадбирлар хотин-қизлар ўртасида хусусий тадбиркорликнинг янада ривожланишига кенг йўл очиб берди.

Чироқчи туманида ўзининг тадбиркорлик фаолиятини кенг йўлга қўйган Салтанат Қўлдошева ўз қишлоғидаги бир неча хотин-қизларни иш билан таъминлаган ишбилармон аёллардан бири ҳисобланади. У фаолиятини жун маҳсулотларидан тайёрланган буюмлар, асосан гилам тўқиб сотиш билан шуғулланди. Тадбиркор Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хоразм вилоятларидаги туристик компаниялар билан ҳамкорликда сайёҳларга маҳсулотларни сотишни йўлга қўйди¹⁵.

2018 йилнинг 4–11 декабрь кунлари Корея Республикасининг Пусан шаҳрида Лидер аёллар халқаро форуми бўлиб ўтди. Бу форумда Ўзбекистон элчихонаси билан ҳамкорликда тадбиркор аёллар делегацияси таркибида сурхондарёлик тадбиркор Ойдин Шарафутдинова ҳам иштирок этди¹⁶.

2019 йил АҚШ нинг Филадельфия шаҳрида шахрисабзлик хунарманд Гулнора Одилованинг “Gulnor LLC” савдо уйи ўз фаолиятини бошлади. Бундан қўзланган мақсад океанортига миллий тўқимачилик маҳсулотлари экспортини тизимли йўлга қўйиш ва тадбиркорликни ривожлантириш бўлди. Шу ўринда айтиш керакки, “Gulnor” бренди остида 20 минг долларлик товарлар сотилди. 50 минг долларлик келишувларга эришилди. Америка компаниялари ўзбек миллий маҳсулотларига қизиқиш билдириб, сотиб олиш ҳажмларини кескин оширишга тайёрлигини билдирди. 2020 йил январь ойида мўлжалланган тадбирда иштирок этиш бўйича шартнома имзолади¹⁷.

¹² Ўзбекистонда фан, таълим ва ёшлар тарбиясидаги инновацион жараёнлар. Республика илмий-амалий конференцияси. – Қарши, 2015. – Б.9.

¹³ Қашқадарё вилоят ҳокимлиги жорий архиви. 2019 йил ҳисобот папкасидан.

¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 февралдаги “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” Давлат Дастури тўғрисида”ги Қарори // “Халқ сўзи”, 2011 йил 10 февраль.

¹⁵ Сайқал топаётган хунарлар // “Қашқадарё” газетаси, 2013 йил 5 июль.

¹⁶ “Тадбиркор аёл” Ўзбекистон ишбилармон аёллар ассоциацияси Сурхондарё вилоят ҳудудий бўлинмаси жорий архиви, 2018 йилги ҳисобот папкасидан.

¹⁷ АҚШ да Ўзбекистонлик хунарманднинг савдо уйи очилди // “Халқ сўзи”, 2019 йил 24 август.

“Тадбиркор аёл” Ўзбекистон ишбилармон аёллар Ассоциациясининг 2016–2020 йиллар давомида жалб қилинган халқаро грант маблағлари 1 миллион долларга етди¹⁸.

Хулоса. Хуллас, ўрганилаётган даврда Қашқадарё вилоятида ишбилармон тадбиркор аёллар фаолияти ривожланиб, амалий натижаларга эришилди.

Мамлакатда аёлларнинг тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, уларнинг эркинлиги, уларнинг иқтисодий онгининг ривожланиши, моддий аҳволини яхшилаш бўйича кўплаб самарали ишлар амалга оширилди. Бунинг натижасида хотин-қизларнинг бандлиги, яхши меҳнат шароитлари таъминланди. Ишлаб чиқариш салоҳиятининг ортиши мамлакатимиз иқтисодий ҳаётида муҳим ўрин тутиб келмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш.М. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир. Президент Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузаси // Халқ сўзи, 2017 йил 4 август.
2. Мирзиёев Ш.М. Мунис оналаримиз, меҳрибон опа-сингилларимиз – ҳаётимиз гултожи // Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. – Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – Б. 406.
3. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2018. – 80 б.; <https://www.pv.uz/uz/news/poslanie-prezidenta-respubliki-uzbekistan-shavkata-mirzieeva-olij-mazhlisu>.
4. Абдуллаева Я. Қорақалпоғистон хотин-қизлари: кеча ва бугун (XIX асрнинг охири ва XX аср). Монография. – Тошкент: Ijod dunyosi, 2004. – Б. 223;
5. АҚШ да Ўзбекистонлик хунарманднинг савдо уйи очилди // Халқ сўзи, 2019 йил 24 август.
6. Алимова Д. Женский вопрос в Средней Азии: история изучения и современные проблемы. – Ташкент: Фан, 1991. – 132 с.
7. Хунардан ризқ унар // Қадрият, 2015 йил 30 апрель.
8. Чироқчининг ғажарий, терма гиламлари дунё кезмоқда // Қашқадарё, 2013 йил 5 апрель

¹⁸ Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитасининг расмий сайти //www.wcu.uz